

IMPACT FACTOR: 8.2

ISSN: 2181-3337


---

International scientific journal

# Science and Innovation

2022 №4

**B** PHILOSOPHY  
PHILOLOGY  
PEDAGOGY  
PSYCHOLOGY  
SOCIOLOGY



**Academy of Science and Innovation  
International Scientific Journal Science and Innovation  
Series B Volume 1 Issue 4**

**Ilm-fan va innovatsiyalar akademiyasi**

**SCIENCE AND INNOVATION  
xalqaro ilmiy jurnali B seriyasi  
2022 yil 4-son**

**ISSN: 2181-3337**

**IMPACT FACTOR: 8.2**

*O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 27.04.2022 yilda olingan №1597 sonli guvohnomaga ega.*

*Jurnal Gruzianing Universal Impact Factorida 8.2 ko'rsatkich bilan baholangan. Jurnalning ushbu soni **Index Copernicus, OpenAire, Directory of Research Journals Indexing, ZENODO, Cyberleninka va Google Scholar** xalqaro ilmiy bazalarida indekslandi.*

*Barcha maqolalar jurnalning elektron ilmiy bazasi (**scientists.uz**) ga joylashtirildi.*

*OAK tomonidan dissertatsiyalar asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan jurnallar ro'yxatidagi xorijiy jurnallarda chiqarilgan maqolalar sifatida rasman tan olinadi.*

*Asos:*

*1) O'zbekiston Respublikasi Oliy attestatsiya komissiyasining dissertatsiyalar asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro'yxati 3-sahifasi. – Toshkent: 2019. -160b.*

*2) OAK ning 13.06.2022 yildagi №01-07/1368 sonli javob xatida keltirilgan OAK ishchi guruhining xulosasi.*

## ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДА “ДЎСТ” ВА “БЕГОНА” КОНЦЕПТЛАРИНИНГ СОЦИОПРАГМАТИК ТАЛҚИНИ

Турабоева Ситора Зокир қизи

Тошкент тиббиёт академияси, инглиз тили ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6967639>

**Аннотация.** Социопрагматика адабий тилда ижтимоий хулқ-атвор нормаларининг қай шаклда акс эттирилиши ва уларга оид тил элементларининг социопрагматик маъно қирраларига эга эканлигини ҳам ўрганиши баробарида бу тил ҳодисаларининг нутқий воқеланиши билан боғлиқ вазиятларга лингвистик ечим топади.

**Калим сўзлар:** социопрагматика, лингвокультурология, лингвомаданиятшунослик, концепт, этимология, дўст ва бегона, лексема.

### СОЦИОПРАГМАТИЧЕСКАЯ ИНТЕРПРЕТАЦИЯ КОНЦЕПТОВ «ДРУГ» И «ЧУЖОЙ» В УЗБЕКСКОМ И АНГЛИЙСКОМ ЯЗЫКАХ

**Аннотация.** Социопрагматика находит лингвистическое решение ситуаций, связанных с речевой реализацией этих языковых явлений, изучая, как нормы социального поведения отражаются в литературном языке и имеют ли связанные с ними языковые элементы социально-прагматические смысловые аспекты.

**Ключевые слова:** социопрагматика, лингвокультурология, лингвокультурология, концепт, этимология, друг и чужой, лексема.

### SOCIO-PRAGMATIC INTERPRETATION OF THE CONCEPTS "FRIEND" AND "STRANGER" IN THE UZBEK AND ENGLISH LANGUAGES

**Abstract.** Sociopragmatics finds a linguistic solution to the situations related to the speech realization of these linguistic phenomena while studying how the norms of social behavior are reflected in the literary language and whether the language elements related to them have sociopragmatic meaning aspects.

**Keywords:** sociopragmatics, linguocultural science, linguocultural science, concept, etymology, friend and stranger, lexeme.

## КИРИШ

Тиллараро прагматика адабиёт ва ижтимоий-прагматика ўртасидаги боғлиқлик сифатида қаралади ва бу адресатдан ўз тилининг социопрагматик жиҳатларини тушуниши ва таҳлил қила олиши кераклигини, шу билан бирга бошқа тил ва маданиятга эга бўлган адресантга адресат тилининг прагматик хусусиятларини номоён қилиб бера олиш вазифасини ҳам юклайди. Сеарл нутқий фаолиятни акс эттирувчи, йўналтирувчи, текширувчи, ифодаловчи, эълон қилувчи каби характерларга эга бутунлик сифатида таснифлайди. Бунда коммуникация жараёнида илтимос, таклиф, мулоҳаза, раддия, узр сўраш, шикоят, миннатдорчилик каби кўплаб сегмент бирликлар ифодаланани. Тадқиқотимиз доирасида кўриб чиқиладиган концептларнинг социопрагматик хусусиятиларини ўзбек ва инглиз тилидаги мисоллар асосида кўриб чиқиш ушбу тил бирликларининг адресант ва адресат ўртасидаги коммуникатив функциялари ҳамда ифода имкониятлари очилишига имкон беради. Ушбу жараёнда ҳар иккала турдаги бадий дискурс намуналарини социопрагматик таҳлил асосида кўриб чиқамиз.

## ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Инглиз тилида дўст сўзининг маъноси юзлаб йиллар давомида доимий равишда сақланиб қолган. Бу сўз қадимги инглиз тили яратилганидан бери мавжуд бўлиб, этимологиясига кўра немис тилидан келиб чиққан сўз ҳисобланади. Айнан “дўст” сўзининг дастлабки икки ҳарфи ма’но билдириб, “фр” – “friday” (жума) лексемасининг ҳосил бўлишига асос бўлган, яъни “friday” – “Фригг куни” немис севги маъбудаси Фриггга бағишланган. Мазкур маълумотлардан келиб чиқиб, шуни айтиш мумкинки, инглиз жамиятида бу концепт муқаддас бўлган муносабатларга нисбатан қўлланилган. Ўзбек тилида ҳам “дўст” лексемасининг ономастикада Дўстлик тумани, Дўстобод маҳалласи топонимлари; Дўстмуҳаммад, Дўстбек, Дўстжон, Дўстхўжа, Дўстмурод, Дўстим ва шу каби антропонимлар шаклида маҳсулдор қўлланилишига гувоҳ бўламиз.

“Дўст” уруш ва тўқнашувлар даврида ўзининг “душман” антоними билан ҳам таърифланган. “Дўст” бўлиш учун бир-бирига душманлик қилиш мумкин эмас – низонинг турли томонларида дўстлар йўқ эди ва айнан ўша пайтда “дўст” содиқликни тасвирлаш ва белгилаш учун ўз маъносини кенгайтирди. “Дўст” лексемасининг урушдаги “душман” лексемасига нисбатан антонимик шакли инглиз ва ўзбек тилларида бир хил социал ҳосликка эга.

Ўрта инглиз тилида ва ундан ташқарида дўст маълум бир муассасага молиявий ёрдам берадиган одамнинг қўшимча маъносига эга бўлган. сотсиал XVII-асрнинг охирига келиб, дўст “яхши муносабатда бўлган ва душман эмас” деган маънони англатувчи сифатдошга айлантирилган.

“Дўст” ва унинг ижобий маънолари инглиз тилида сўзлашувчи жамиятнинг турли гуруҳлари ва институтлари томонидан қабул қилина бошлаганлиги ажабланарли эмас. “Дўст” сўзини адвокатлар ҳам ишлатган – менинг “ўрганган дўстим” судда адвокатга муружаат қилиш учун ишлатилган.

#### **ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ**

Ўзбек тилида дўст концептининг соcioпрагматик моҳияти нафақат бадиий тўқима, балки илмий-марифий адабиётларда ҳам очиб берилади. Ислом ҳуқуқшунослигида ўзига хос мақомга эга бўлган А.Х.Ғаззолийнинг дўстлик тўғрисида билдирган қуйидаги фикрлари шарқ халқларига хос бўлган этносoциал кадриятлар ва ҳақиқатларни намоён эта олади.

-Мехрибон дўст тўғри ё’лдан, эзгулик ё’лидан адашиб, итоатсизлик ва гуноҳ сўқмоғига қадам қўйиб қолганинда сени тўғри йўлга бошлаш учун жон чекадиган ва бу ишни ўзининг мажбурияти деб биладиган кишидир. Бу тавсиф нафақат мехрибон дўст, балки ҳақиқий дўст, чин дўст, киёматли дўст, содиқ дўст ва бошқалар учун ҳам хизмат қилади.

-Айбсиз дўст қидирган кишининг дўсти кам бўлади. Дўстининг ҳар бир хатосини таъна қилаверади одамнинг эса душмани кўпаяди. Дўсти бирор-бир фойдани қўлга киритганда ўзидан кўра мени афзал кўради деб қутган киши ҳамиша изтиробда яшайди. Ушбу дидактик парчада эса дўст ва душман тушунчаси ўзаро зидланади ҳамда дўстлик муносабатларини сақлаш ва давом эттириш учун ўзига хос йўриқнома берилади.

-Дўстинг душманинг билан гаплашиб турганини кўрсанг, хафа бўлма. Агар у чин дўст бўлса, душманинг сенга зарар етказишига йўл қўймайди. Агар у вафосиз дўст бўлса,

бунга ҳам ачинма, бунақа одам душманинг билан ошна бўлгани яхши. Дўстлик ва биродарлик ипини ҳалол ва самимий кишилар билан боғла.

Куйидаги парчада тилга олинган концептуал маъно юқоридаги семантик моҳиятдан узоқлашади ва дўстлик алоқалари юқорирок доирада юз беришига ишора қилинади. Масалан: -Дўстлар уч хил бўлади – дўстлар, дўстларнинг дўстлари ва душманларнинг душманлари. Душманлар ҳам уч хил бўлади – душманлар, дўстларнинг душманлари ва душманларнинг дўстлари.

-Агар ким биландир дўстлашмоқчи бўлсанг, ғазаб пайтида ўзини қандай тутишига боқ. Агар шу ҳолатда ҳам ахлоқини маҳкам тута олса, у билан дўстлаш. Агар акси бўлса, унга яқинлаша кўрма.

## **МУҲОКАМА**

Дўстлик ришталарининг шахсий муносабатлар устига қурилиши синашта дўст бўлиш ёки дўстлик ришталари мустаҳкамлигини текшириш ва баҳолаш кераклиги ҳақида тушунчаларнинг ҳам илгари сурилишига сабаб бўлмоқда.

-Ўзинг муомала қилмаган кишилар билан дўстлик ипини боғлама. Синаб кўрмаган кишинг билан асло дўст тутинма.

-Одамларнинг энг ёмони бировлар билан душманлик қиладиган, атрофдагилар ёмон кўрадиган, одамларга зарар етказишни оддий ҳол санайдиган, хатоларни кечирмайдиган ва узрларни қабул қилмайдиган кишидир.

-Энг катта жохил дўстлик ва биродарлик мажбуриятларини, қоидаларини бажармаслиги сабабли дўстида нафрат хисси пайдо қиладиган кишидир.

-Бошқалар билан хушмуомала бўлган киши дўстларидан ҳам, душманларидан ҳам кўркмаса бўлади. Феъли, ахлоқи билан дўстларига ёрдам берадиган киши эса ўзини уларнинг душманлигидан кўрийд.

-Самимий дўст айбингни кўрганда уни очишга интилмайди, ютуқ-фазилатларингни эшитганда ўн баробар ошириб кўрсатади, сенга қилган илтифотини юрагида сақлайди, сендан кўрган фойдасини эса унутмайди, у билан муносабатда хатога цўл қўйсанг, жаҳлланмайди, кечирим сўрасанг, афв этади.

## **ХУЛОСА**

Ўзбек халқининг социал ҳаёт тарзини кузатиш ва таҳлил қилиш жараёнида шу нарса маълум бўладики, дўстлик концепти индивидларнинг характер-хусусиятидан келиб чиқиб турлича интерпретацияланади. Масалан: айрим ўринларда ҳақиқий дўстлик тушунчаси фақат ота-она ёки оила аъзоларига нисбатан қўлланилиши мумкин, оиладан ташқарида қурилган дўстлик алоқалари манфаатларга асосланади, манфаатлар тўқнашган нуқтада дўстлик ришталари тугайди деган талқин устуворлик қилади ҳамда фарзанд ва ота-она, хусусан, ўғил фарзанд учун оталар, қиз фарзандга оналар яқин дўст, сирдош бўлиши кераклиги уқтирилади. Бошқа бир талқинларда эса дўстлик ришталарига хос хусусиятлар ака-укалар ёки опа-сингиллар орасида воқеаланади. Қарама-қарши жинс вакиллари орасида содир бўлиши мумкин бўлган дўстлик ришталари чегараси ахлоқий қадриятларга асосан белгиланган бир пайтда инглиз маданияти ва ижтимоий нормалардан келиб чиқиб girlfriend ёки boyfriend га “эга бўлиш” одатий ва табиий қабул қилинади. Ғарб маданиятидаги оила қадриятларининг Шарқдагидан фарқланувчи белгиларига кўра дўстлик муносабатларининг оила аъзолари билан

боғланишига ижтимоий тўсиқлар ўрнатилади. Яна бир бошқа талқинларга кўра дўстлик, ҳабиблик алоқалари Аллоҳга нисбатангина ишлатилади. Яъни доимий бизни тингловчи, мададкор, кўмакдош, хамроҳ, асровчи, ҳимоя қилувчи каби дўстлик сифатларида меҳрибон Аллоҳнинг бандаларига нисбатан муносабатлари назарда тутилади. Айрим ҳолатларда китоблар инсон учун энг яқин дўст сифатида талқин қилинади. Бугун ижтимоий тармоқларнинг оммалашиши ва шахслараро муносабатларда муҳим қиймат ва ўринга эга бўлиши дўст концепсиясининг кенгайиши ва семантик, лексик ва социопрагматик жиҳатдан ўзгариб барча социумлар учун бирдек алоқадор феноменонга айланишига туртки бўлмоқда.

## REFERENCES

1. Слышкин Г.Г. От текста к символу: лингвокультурные концепты прецедентных текстов в сознании и дискурсе. – М.: Academia. – 2000. –128 с
2. Соколова О. В. Категория фрейма в когнитивной лингвистике// Вестник АГТУ. – 2007. № 1 (36)-236-238. – С236.
3. Степанов Ю. С. Константы: Словарь русской культуры. Опыт исследования/ Ю. С. Степанов. – М.: Школа «Языки русской культуры». – 1997. – 990 с.
4. Сухонослова С. В. Теория фреймов: возможности исследования повседневности //Человек в мире культуры. – 2012. – №. 2.С.29-34.
5. Турсунов У., Мухторов Ж., Рахматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – 399 б.
6. Усманова Ш. Маданиятлараро мулоқотда лақналарнинг ўрни // Лингвист. Илмий мақолалар тўплами.
7. Шомаксудов А. ва бошқ. Ўзбек тили стилистикаси. – Т., Ўқитувчи, 1983.– Б.236.

Shokuchkarova Guljamol, HOW TO TRANSLATE AN IDIOM IN UZBEK LANGUAGE	402
Nurillayev Bobomurot Najmitdinovich, ПОТЕНЦИАЛЛАР ДИАГРАММАСИНИ ТУЗИШ ВА УНИ ЎҚИШНИ ЎРГАНИШ	405
Jumaniyozova Sevinchoy Farxod qizi, BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARIGA EKOLOGIK TARBIYA BERISH	412
Kadirova Khalima Buvabaevna, RAISING THE LEGAL AWARENESS AND LEGAL CULTURE OF CITIZENS IN SOCIETY	415
Kadirova Yakitjan Buvabayevna , LOVING THE COUNTRY IS FAITHFUL	420
Jumaniyozova Farida Fayzulla kizi, MODERN METHODS OF TEACHING FOREIGN LANGUAGES DURING PRESCHOOL EDUCATION	424
Jumaniyozova Farida Fayzulla kizi, FOREIGN LANGUAGE TEACHING METHODOLOGY, TEACHING METHODS	426
Adilova Fanuza Shodiyor qizi, SHEKSPIR DRAMALARIDA RUH, EHTIROS VA HARAKAT FENOMENOLOGIYASI	429
Muxammadiyeva Dilnavoz Dilshod qizi, EKSPERIMENTAL MASALALAR ORQALI O'QUVCHILARDA TAYANCH KOMPETENSIYALARNI SHAKLLANTIRISH	432
SH.Q. Mardonov, F.SH. Mardonov , PEDAGOG KADRLAR MALAKASINI OSHIRISH TA'LIMI	436
Nematullaeva Sarvinov Khushvakht kizi, PERSPECTIVES ON THE USE OF PLAY THERAPY IN PRESCHOOL EDUCATIONAL INSTITUTIONS	444
Зупарова Дилноза Дадахоновна, ОСОБЕННОСТИ ФОРМИРОВАНИЯ ПРЕДСТАВЛЕНИЙ О ФОРМЕ ПРЕДМЕТОВ В РАЗВИТИИ ПРОЕКТНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ ДОШКОЛЬНИКОВ	450
Sh.Q. Mardonov, S.Yu. Qodirova, PEDAGOG KADRLAR MALAKASINI OSHIRISH TA'LIMINING O'ZIGA XOSLIGI	456
Abdurahimov Shuhrat G'ayratovich, RAHBARLIK PSIXOLOGIYASINING FUNDAMENTAL ASOSLARI	461
Авазова Сохибжамол Ахмедовна, УПОТРЕБЛЕНИЕ НАЗВАНИЙ ФРУКТОВ И ОВОЩЕЙ ТЮРКСКОГО ПРОИСХОЖДЕНИЯ В БЫТОВОЙ ЛЕКСИКЕ РУССКОГО ЯЗЫКА	464
Umurzaqova Bonuxon Azizovna, BO'LG'USI XORIJIY TIL O'QITUVCHILARIDA FANLARARO HAMKORLIK ASOSIDA MEDIAMADANIYATNI SHAKLLANTIRISHNING ILMIIY-PEDAGOGIK MAZMUNI VA MODELII	470
Гулсевар Уматалиева, ПОЭТИЧЕСКИЕ И СИНТАКТИЧЕСКИЕ КОНСТРУКЦИИ В ПОЭЗИИ МАРИНЫ ЦВЕТАЕВОЙ	474
Norboyev Zafar Abdumuminovich, ARAB TILINI O'RGATISHDA TINGLAB TUSHUNISH KO'NIKMASI AHAMIYATI VA UNI RIVOJLANTIRUVCHI OMILLAR	480
Shoira Akhmedova, Sofiya Mahmudova, ABU ALI IBN SINA ON A CRITICAL - BIOGRAPHICAL ESSAY	485
Shoira Akhmedova, Sofiya Mahmudova, ABU ALI IBN SINA ON A CRITICAL - BIOGRAPHICAL ESSAY	485
Soliyeva Zohida Zokir qizi, TEACHING ENGLISH LANGUAGE WITH THE MEANS OF MOODLE PLATFORM	489
Soliyeva Zohida Zokir qizi, TEACHING ENGLISH LANGUAGE WITH THE MEANS OF MOODLE PLATFORM	489
Турабоева Ситора Зокир кизи, ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДА "ДЎСТ" ВА "БЕГОНА" КОНЦЕПТЛАРИНИНГ СОЦИОПРАГМАТИК ТАЛҚИНИ	494
Ikomova Ominaxon Elmurod qizi, BOSHLANG'ICH SINFLARDA PIRLS DASTURI ASOSIDA ONA TILI VA O'QISH SAVODXONLIGI FANINI O'QITISH	498
Sabirova Charos , Nyutonova Xilola, SHARQ VA G'ARB ALLOMALARINING IJODIDA AXLOQIY TARBIYA TUSHUNCHALARINI SHAKLLANTIRISHNING QIYOSIY TAHLILI	501
Fayziyeva Fotima Kudratovna, ONA TILI VA ADABIYOT DARSLARIDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARDAN SAMARALI FOYDALANISH	506
Rajabova Yulduz Matqurbon qizi, MAKTABGACHA TA'LIMDA SHERIY ASARLARNI O'RGATISHNING SAMARADOR USULLARI	510
Fozilova Mehriya O'ktamovna, BORCHADIN INSONNI SHARIF AYLADING (ALISHER NAVOIYNING "HAYRAT UL-ABROR" DOSTONIDA INSONNING BUYUKLIGI)	513
Iskandarova Diyora, Ikomova Ominaxon Elmurodovna, GENERAL ABSORBING OF "PROFESSIONAL PSYCHOLOGY" AND REFLECTIONS ABOUT PSYCHOGRAM, PROFESSIONOGRAM AND PROFESSIONOGRAPHY	518
Mamanazarova Dilobar Murotaliyevna, YOSHLAR HAYOTIDA VIRTUALLASHUV SABABLARI VA OMILLARI	523
Элова Дилрабо Кудратиллаевна, СПОСОБЫ ЗАДАНИЯ ИССКУСТВЕННЫХ ЯЗЫКОВ: СИНТАКСИС И СЕМАНТИКА ЯЗЫКА	527
Бойтурсева Гулбахор Камолитдин кизи, ФАНЛАРАРО АЛОҚАДОРЛИК ВА УНИНГ ЯРИМЎТКАЗГИЧЛАР ФИЗИКАСИНИ ЎҚИТИШДАГИ ЎРНИ	533
Ro'latova O'g'ilxon Abduxaliqovna, O'ZBEK TILIDA GAP BO'LAKLARINING AKTUALLASHUVIDA TAKRORNING ROLI	534
Ro'latova O'g'ilxon Abduxaliqovna, INGLIZ TILIDA SO'Z TARTIBI GAPNING KOMMUNIKATIV MARKAZI - REMANI IFODALOVCHI DOMINANT VOSITA SIFATIDA	538
Джурсева Пердегүл Саидовна, БАСТАУЫШ СЫНЫПТАРДА ОҚУ ДАҒДЫЛАРЫ МЕТОДИКАСЫН ОҚЫТУДА КРЕАТИВТИ ЖАНАСУ	548
Ikomova Ominaxon Elmurod qizi, IFODALI O'QISH SAN'ATINING SHAKLLANISHIDA XALQ OG'ZAKI IJODI VA BADIY ADABIYOTNING RO'LI	557
Райхон Бахритдиновна Расулова, ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ МАТН ЯРАТИШ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МАКТАБ ДАРСЛИКЛАРИГА МУРОЖААТ	560
Shaxzoda Tursunova Toir qizi, ABDULLA QANHORNING "BEMOR" NIKOYASIDA DAVR MUAMMOLARI	568
G'aniyeva Adiba Tursinboy qizi , TA'LIM TIZIMIDA INKLYUZIV TA'LIMNI SAMARADORLIGINI OSHIRISHNING O'ZBEKISTON VA XORIJIY TA'LIM TAJRIBASI	572
Авезова Диловар Салимовна , СТИХИ ЕСЕНИНА БЫЛИ ЕГО СУДЬБОЙ	578
Kamshat Vaumenova, PISA TADQIQOTLARI DOIRASIDA O'QUVCHILARNING KREATIV FIKRLASHINI SHAKLLANTIRISH OMILLARI	582
Жамолова Зилола Низомовна, ЎЗБЕК ТАНҚИДЧИЛИГИДА АДАБИЙ ОБЗОРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ЙЎЛЛАРИ	585
Ruziyeva Tatyana Nasirovna, ONA TILI DARSLARIDA O'QUVCHILARNI MATN TUZISHGA O'RGATISH USULLARI	592
Кдырбаева Узлада Кайрбаевна, «ЕДИГЕ» ДЭСТАНЫНДАҒЫ СИНОНИМЛЕРДИҢ ЛИНГВОПОЭТИКАЛЫК АНАЛИЗИ	595
Муиннов Алишер Муслинович, ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ВА ИНСОНИЙ ФАЗИЛАТЛАР (ШАРҚ МУТАФАККИРИ ФОРОБИЙ КАРАШЛАРИ МИСОЛИДА)	599
Матмусаев Тохиржон Муталибович, ОПЫТ ТЕМУРИДОВ В ВОПРОСАХ СОЦИАЛЬНОЙ ЗАЩИТЫ В СРЕДНЕВЕКОВЫХ	603

**Academy of Science and Innovation  
International Scientific Journal  
Science and Innovation Series B  
Volume 1 Issue 4**

**Ilm-fan va innovatsiyalar akademiyasi  
Science and Innovation  
xalqaro ilmiy jurnali B seriyasi  
2022 yil 4-soni**

**ISSN: 2181-3337**

**Impact Factor: 8.2**

Bosmaxonaga berildi: 14.08.2022. Bosishga ruxsat etildi: 15.08.2022.

“Times New Roman” garniturasida, Ofset bosma.

Shartli bosma tabog'i 10,94. Bichimi 60x90. Adadi: 100 dona.

“Science and innovation” MCHJ

Manzil: 100155, Toshkent shahri, Sergeli tumani, Quruvchi dahasi, 22/43.

Scientists.uz, [info@scientists.uz](mailto:info@scientists.uz), +998901259654